

ЎҚУВ-СЕМИНАР

Партиядошимиз ташаббуси билан

маҳаллада савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси фойдаланишга топширилди, 13 нафар кишининг бандлиги таъминланди, йил охиригача яна 10 нафар киши янги иш жойларига эга бўлади

Олтинсой туманининг Хайрондара маҳалласида истикомат қилувчи ЎзХДП фаолларидан бири Жўрабек Менгноровнинг жонқуярлиги туфайли яқинда икки қаватли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси иш бошлади. Савдо дўконлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, новойхона, гўзаллик сало-ни ҳамда тикувчилик цехидан иборат мўъжаз масканининг ишга туширилиши шарофати билан 13 нафар киши ишли бўлди.

— Хайрондара Олтинсой тумани марказидан 23, Деновдан эса 16 километр олисда жойлашган, — дейди **халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Баҳодир Тоғаев**. — Чечка ҳудудда уч минг нафардан ортиқ аҳоли истикомат қилади. Барча зарур шароитларга эга янги мажмуанинг ишга туширилиши айнани муқддо бўлди. Партиядошимизнинг хайрли ишидан мамнунмиз.

— Иланиш, интилиш ва ташаббус бор жойда тараққиёт бўлади, — сўхбатга қўшилди **маҳалла фаоли Махмуд Қайнаров**. — Яқин-яқингача бу жойлар ташландик ҳудуд эди. Эндиликда обод масканга айланди. Қолаверса, бир гуруҳ маҳалладошларимиз иш билан таъминланди.

— Яқин кунларда компьютер хизмати йўлга қўйилиб, эркаклар саргарошхона-сини ҳам ишга туширмоқчимиз, — дейди **ЎзХДП аъзоси Жўрабек Менгноров**. — Сўнг навбат — автомобилларга сервис хизмати кўрсатиш шохобчасига. Мини-футбол майдончасини ҳам барпо этишни режалаштирмоқдамиз.

Бундай бунёдкорликлар туфайли аввало маҳалла обод бўлмоқда. Хизмат кўрсатиш маданияти юксалмоқда. Энг муҳими, одамлар ишли бўлмоқда.

Абдумалик ХАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон ХДП Кегейли туман кенгаши, Хотин-қизлар кўмитаси ва «Камолот» ЁИХ туман бўлими ҳамкорликда ёшлар ўртасида «Ёшлар, «оммавий маданият» ва интернет» мавзусида танлов ўтказди. Унда асосий эътибор соғлом оилани шакллантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ўқувчи-ёшларда интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш ва «оммавий маданият»нинг салбий оқибатларига қарши кураш масалаларига қаратилди.

Ёшлар, «оммавий маданият» ва интернет

— Вояга етмаган ёшларни бузғунчи ёт гоёлардан, диний экстремистик ҳаракатлар ва одам савдоси таъсиридан ҳимоя қилиш — долзарб вазифа, — дейди **Ўзбекистон Халқ демократик партияси Кегейли туман кенгаши раиси Икфасбой Исметуллоев**. — Шунинг учун биз ўғил-қизларимизга замонавий ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш бўйича йўл-йўриқ бериб боришимиз лозим.

Танловда тумандаги бешта касб-хунар коллежидан жамоалар ўзлари тайёрлаб келган сахна кўринишлари билан қатнашди. Халқобод саноат транспорт касб-хунар коллежи жамоаси ғолиб деб топилди. Фаол иштирок этган барча жамоалар ташкилотчилар томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■Сиёсий партия аъзоси мамлакатда ва дунёда бўлаётган воқеаларга фаол муносабат билдириши лозим.

СИЁСИЙ ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ масалаларига бағишланди

Ўқув-семинарни **ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Улугбек Вафоев** кириш сўзи билан очди.

Тадбирда партия фаолларида мамлакатимиздаги сиёсий жараёнларга ҳамда халқаро майдонда юз берётган воқеа-ҳодисаларга оммавий ахборот воситалари орқали муносабат билдириш кўникмасини шакллантириш масаласига эътибор қаратилди. Мазкур мавзу юзасидан «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталари бош муҳаррири Сафар Остонов маъруза қилди. Ўз сўзида у партия фаоллари томонидан сиёсий мавзуларда ёзилаётган мақолалар, уларни тайёрлаш тартиби тўғрисида кенг тушунча берди. Бунда ҳар бир воқеликка нисбатан сергаклик, зийраклик билан ёндашиш лозимлигини таъкидлади. Ўз устида ишлайдиган, доим ўқиш ва изла-нишда бўлган партия фаоли ҳар қандай вазиятга те-ран муносабат билдира олишини қайд этди.

Партия томонидан ўтказилаётган тарғибот тадбирларида сиёсий мавзуларда маърузалар билан чиқиш амалиёти атрофлича муҳо-кама қилиниб, уларни тайёрлаш тартиби, жараёни тўғрисида зарур маълумотлар берилди.

— Сиёсий мавзуларда тайёрланган маърузаларни аудиторияга етказиш ўзига хос маҳорат талаб этади, — деди **ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири Назира Матёкубова**. — Бунинг учун аввало маъруза

Давом. Бошланғич 1-бепда.



Санжар ШОТЎЛҲАНОВ олган суратлар.

Сиёсий мавзуларда тайёрланган маърузаларни аудиторияга етказиш ўзига хос маҳорат талаб этади.

пишиқ, пухта бўлиши лозим. Мавзунинг мақсади, мазмунни маърузанинг кириш қисмидаёқ тингловчи-га қисқа, лўнда услубда етказиб берилиши зарур. Асосий қисм эса ўз-ўзидан унинг мағзини очиб бериш-га хизмат қилади.

Маъруза тайёрлашда сиёсий адабиётлардан фойдаланиш лозим. Унда-ги фикрлардан ижодий фойдаланиб, уларни ўз қарашларимиз билан мус-

таҳкамлашимиз керак. Ай-рим ҳолларда тингловчи-га яхшироқ таъсир қилиши учун мақоллар, афоризм-лар қўллашда ҳам меъёрга амал қилиш мақсадга му-вофиқдир.

Семинарда, шунингдек, сиёсий партиялар фаоли-тида тахлилий ишларнинг мақсади, моҳияти ва аҳа-мияти тўғрисида сўз юритил-ди. Мазкур йўналишда олиб борилаётган ишлар бўйича мулоҳазалар билди-

рилди. Унда мавжуд муам-молар ечими юзасидан йи-ғилиш иштирокчилари би-лан фикр алмашилди.

— Сиёсий партия аъзо-си биринчи галда тарғибот-чи бўлиши керак, — деди **ЎзХДП Сергели туман кенгаши раиси Шоира Хўжаева**. — Семинарда айнани шу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Партия етакчиси сифатида қўллаб-тадбирларда, учрашувларда маъруза қилишимизга тўғри келади. Бугунги ўқувда ай-тилган топшириқ ва кўрсат-малар келгуси фаолияти-мизда асқотади. Бундан ташқари, қабул қилинаётган қарорлар, Президентимиз таъриқ ва маърузаларига муносабат билдиришда нималарга кўпроқ ургу-беришимиз кераклиги бўйи-

ча ҳам билимларимизни бо-йитдик. Партиямиз мақсад ва гоёлари, электрот ман-фаатларига мос масалалар юзасидан фикр ва таклиф-ларимизни билдириб бори-шимиз зарурлигини чуқур-роқ англадик.

Семинарда «Сиёсий пар-тиялар фаолиятида тахли-лий ишларни ташкил қи-лиш», «Сиёсий партиялар фаолиятига оид қабул қили-наётган қонунларнинг маз-мун ва моҳияти» мавзула-рида ҳам маърузалар тинг-ланди.

Кун тартибидидаги маса-лалар юзасидан барча партия ташкилотлари фао-лиятини такомиллаштириш бўйича тегишли вазифалар белгилан олдинди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Ёшлар бандлиги — долзарб масала

Ҳар бир фуқаро меҳнат қилиб, ўз қобилиятини рўёбга чиқаришни, жамият ҳаётида фаол иштирок этишни истайди. Бироқ бу борада ҳамманинг ҳам имконияти тенг эмас. Шунинг учун аҳолининг қўллаб-қувватлашга муҳтож қатлами манзилли ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш, уларга меҳнат қили-ши учун кенг имкон яратиш давлат ва жамият олди-даги муҳим вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасида-ги фракцияси ташаббуси билан «Микрокредитбанк», Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳамкор-лигида Сирдарё вилояти Оқол-тин туманидаги гидромелио-рация ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида «Касб-хунар коллежи битирувчилари ва хо-тин-қизлар бандлигини таъ-минлашда микроолиявий хизматлардан фойдаланиш» мавзусига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда партия фаоллари ва аъзолари маҳаллий Кенгашлар депутатлари, «Микрокредитбанк» вилоят бўлими мутасаддилари, Хотин-қизлар кўмитаси масъу-лари, коллеж битирувчилари ва кенг жамоатчилик вакиллари иш-тирок этди.

— Партиямиз Сайловолди дастурида аҳолини, шу жумла-дан, касб-хунар коллежлари би-тирувчиларини эгаллаган мута-хассисликларига мувофиқ иш билан таъминлаш борасида дав-лат ташкилотлари, ижро ҳокимия-

ти идоралари ҳамда корхона-таш-килотлар масъулиятини ошириш муҳим вазифа этиб белгиланган, — дейди **Олий Мажлис Қонун-чилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Комила Каромова**. — Шу боис янги иш ўринлари ташкил этиш ва битирувчилар бандлигини таъминлаш биз учун энг устувор вазифалардан бири ҳисоблана-ди. Бу борада ЎзХДП фаоллари, депутатлик гуруҳлари қатор та-шаббусларни илгари сурмоқда. Масалан, Олий Мажлис Қонун-чилик палатасидаги партиямиз фракцияси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги пар-тия гуруҳлари ҳамкорлигида маз-кур йўналишда мунтазам мони-торинг олиб борилмоқда. Хато ва камчиликларни бартараф этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда кичик биз-нес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилаёт-ган алоҳида эътибор туфайли, чорвачилик, асаларичилик билан шугулланиш, иссиқхона барпо этиш, хунармандчилик ва замо-

навий хизмат кўрсатишни йўлга қўйишга иштиёқманд йигит-қиз-лар кўпайиб бормоқда. Уларни қўллаб-қувватлашимиз ва йўл-йўриқ кўрсатишимиз муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда соҳа мутахассисла-ри бугунги кунда ўз мустақил фаолиятини бошлаш истагида

нимизда озиқ-овқат маҳсулотлари савдосига мўлжалланган мини-маркет очиш мақсадида «Микро-кредитбанк»дан 40 миллион сўм миқдорида кредит олдим. Ҳозир-ча 3 нафар тенгдошим мен билан бирга ишламоқда. Келажакда фаолиятимни кенгайтириб, яна бир неча тенгдошларимни иш билан

Партиямиз Сайловолди дастурида аҳолини, шу жумладан, касб-хунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассисликларига мувофиқ иш билан таъминлаш борасида давлат ташкилотлари, ижро ҳокимияти идоралари ҳамда корхона-ташкилотлар масъулиятини ошириш муҳим вазифа этиб белгиланган.

бўлган ёшлар учун яратилган им-тиёз ва имкониятлар, шарт-ша-роитлар, ҳуқуқий асослар, биз-несни суғурталаш масалалари бўйича тушунча беришди.

Маълумот ўрнида айтиш ке-ракки, Оқолтин гидромелиорация ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежини тамомлаган 200 дан зиёд битирувчининг асосий қисми ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашган. Тадбиркорлик билан шугулланиш истагини бил-дирган 5 нафар битирувчиға ти-жорат банклари томонидан кре-дит маблағлари ажратилмоқда.

— Биз, ёшларга берилаётган имкониятлардан хурсандмиз, — дейди **коллеж битирувчиси Зулайхо Орифбекова**. — Тума-

таъминламоқчиман. Тадбир доирасида «Микро-кредитбанк» томонидан ташкил этилган аҳолига банк хизмати кўрсатиш, кредитларни расмий-лаштиришга оид йўл-йўриқлар акс этган кўргазма ҳам қатнаш-чиларга манзур бўлди.

Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси ва маҳаллий Кенгаш-лар депутатлари иштирокида кўчма Жамоатчилик қабулхонаси ташкил этилиб, қатор муносабат қабул қилинди, уларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар белгилан олдинди.

Наврўз ШОДМОНКУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Ўзбекистон Респуб-ликаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2016 йил 5 мартдаги қарорига кўра, фуқа-роларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари-да фуқаролар йиғини раиси ва унинг масла-ҳатчилари сайлови бўлиб ўтмоқда.

ХАЛҚ ИШОНЧИ МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлимидан олин-ган маълумотларга кўра, шу кунга-ча пойтахтимизда 431 маҳалла фу-қаролар йиғини раиси ва 6173 мас-лаҳатчи сайланди. Фуқаролар ўзла-ри маъқул кўрган, маҳалла тақдири учун масъулиятни зиммасига олиш-га қодир номзодларни муқобиллик асосида сайламоқда.

Пойтахтимизнинг Яшнобод тума-нида 57 маҳалла фуқаролар йиғини бўлиб, айнани пайтгача 47 маҳаллада сайлов юқори савияда ташкил этил-ди. Хусусан, тумандаги «Янги давр» маҳалла фуқаролар йиғинида сай-ловга пухта ҳозирлик қўрилди.

Янгидан қўрилган маҳалла фуқа-ролар йиғини идорасида аҳолининг раис ва маслаҳатчиликка номзод-лар ҳақида батафсил маълумот оли-ши учун уларнинг таржимаи ҳоли, дастурлари кўринарли жойга илиб қўйилди.

Сўнгги йилларда маҳаллада кенг кўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Маҳалла раиси, унинг маслаҳатчилари ва тадбир-корлар ташаббуси билан ҳудудда аҳоли бандлигини таъминлаш, улар-нинг бўш вақтини мазмунли таш-кил этишга кўмаклашиш борасида қатор хайрли амаллар бажарилди. Бундан маҳалла аҳли, айниқса, мам-нун.

Сайловда маҳалла раислигига уч нафар номзод кўрсатилди. Вакил-лар, йиғилиш иштирокчилари ҳар бир номзоднинг дастури билан та-нишгач, очиқ овоз бериш орқали мазкур маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозимига ишлаб келаётган Баҳром Худоёровни қайта сайлади. Маслаҳатчиликка номзоди кўрса-тилган 34 киши орасидан бўлиб, бошқаларга ўрнатилган 17 киши маслаҳатчи этиб сайланди.

— Маҳалла институти халқимиз-га хос бошқарув анъаналарини акс эттириши, аҳоли ўртасида меҳр-оқибат ва ҳамжихатликни, ҳудудда ижтимоий-маънавий муҳит барқа-рорлигини таъминлашга хизмат қилиши билан жамият ҳаётида му-ҳим ўрин тутди, — дейди **сайлов иштирокчиси Абдуфаттоҳ Пўлатов**. — Маҳалламизда бу йилги сайлов ўзгача руҳда ўтди. Сайловчилар сай-ланадиган раис ва унинг маслаҳат-чилари ҳудудни ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юк-салтириш билан бирга, маҳаллада-ги ҳар бир инсон тақдири учун масъулиятни зиммасига олишга қодир муносиб номзодга овоз бе-риш лозимлигини теран англаган ҳолда сайловда қатнашди.

Г.САТТОВА,
ЎЗА мухбири.

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ —
ЕНГИЛМАС КУЧТашқи
ишлар
вазирлигида
мулоқот

2016 йилнинг 1 июнь кун
Ўзбекистон Республикаси
Ташқи ишлар вазирлигида
Халқаро сиёсат бўйича Тинч
океани кенгаши вакиллари билан
учрашув бўлиб ўтди.

Бу ҳақда Ташқи ишлар ва-
зирлиги матбуот хизмати ха-
бар тарқатган.

Мулоқот давомида Ўзбеки-
стон — АҚШ ҳамкорлигининг
турли йўналишлари ҳамда ай-
рим халқаро ва минтақавий
муаммолар юзасидан фикр ал-
машилди.

Сочида
парвозлар
кўпайтирилади

«Ўзбекистон ҳаво йўллари»
Миллий авиакомпанияси 2016
йилнинг 19 июлидан 16 август-
га қадар Сочида ҳафтасига
икки марта мунтазам қатнов-
ни йўлга қўяди.

Бу ҳақда авиакомпания сай-
тида маълум қилинди.

Қатновлар жадвали қуйида-
гича:

Сешанба: НУ 685
Тошкент (07:00) — Сочи
(08:55)

Сешанба: НУ 686
Сочи (10:25) — Тошкент
(15:50)

Парвозлар замонавий А-320
азрбусларида амалга ошири-
лади.

ЭЪЛОН

СВТК АО «Узгазроэкспорт»
Республики Узбекистан

объявляет конкурсный
отбор на реализацию
проекта по созданию
информационной системы
«Система контроля и
управления контрактами».

Срок подачи документов — 10 дней
после опубликования объявления в га-
зете.

Наименование и адрес рабо-
чего органа конкурсной комиссии
— АО «Узгазроэкспорт».

Адрес: 100174, г. Ташкент, ул.
Беруни, 41.

Тел. 246-44-15
e-mail: info@uzagroexport.uz

Свидетельство №1651

МАЪНАВИЯТ — КАДРИЯТЛАР ҚЎРҒОНИ

Бугун дунёда глобллашув жара-
ёни кучайгани сайин турли йўналиш-
даги ахборот хуружлари авж олиб
бормоқда. Мобиль телефондан тор-
тиб, мультфильмлар-у қўшиқларга-
ча миллий қадриятларимизга зид
ғоялар кўпайиб бормоқда. Эркинлик
хаёли остида оломон маданияти
хавфи туғилмоқда.

Ана шундай бир пайтда минг йил-
лар мобайнида сайқалланиб келаёт-
ган қадриятларимиз тарғиботини янги
босқичга кўтариш эҳтиёжи пайдо
бўлмоқда. Бугунги кунда бу долзарб
масалага қандай ёндашилаёти?

Сўхбатдошимиз — Республика
Халқ ижодиёти ва маданий-
маърифий ишлар илмий методик
маркази директори Азамат
ХАЙДАРОВ:

— Савол жуда ўринли ва бунга бе-
риладиган жавоб бирёклама бўлиб
қолмаслиги учун дунё миқёсида оло-
мон маданиятига қарши қандай чора-
тадбирлар амалга оширилаётганига
эътиборни қаратсак.

Жаҳон халқлари миллийлигини сақ-
лаб қолиш, уни муҳофаза қилиш ва
келажак авлодга етказишни таъмин-
лаш мақсадида 2003 йил 17 октябрда
Парижда ЮНЕСКОнинг номоддий ма-
даний мерос муҳофазаси бўйича кон-
венцияси қабул қилинди. Давлатимиз
ушбу конвенцияни ратификация
қилиб, унга аъзо бўлди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори
билан Республика халқ ижодиёти ва
маданий-маърифий ишлар илмий-ме-
тодик марказига давлат ва нодавлат
ташкilotларнинг номоддий маданий
мерос масалалари бўйича фаолияти-
ни мувофиқлаштирувчи муассаса ма-
қоми берилиб, марказ таркибида ҳуж-
жатлаштириш бўлими ташкил этилди.

Ушбу бўлим бугунги кунда номод-
дий маданий мерос объектиларини
аниқлаш, муҳофаза ва тарғиб қилиш
борасида иш олиб бораёти. Шу кун-
гача — «Шашмақом», Бойсун маданий
муҳити, Катта ашула, Наврўз, Аския
сингари беш дурдона меросимиз ин-
соният номоддий маданий мероси
репрезентатив рўйхатига киритилди.
Жорий йилда «Палов маданияти ва
анъаналари» ҳужжатлари репрезента-
тив рўйхатга киритиш учун ЮНЕСКО-
га тақдим этилди.

— Қадриятларимиз тарғиботи-
ни янги босқичга кўтариш мақса-
дида қайта ташкил этилаётган за-
монавий маданият ва аҳоли дам
олиш марказлари фаолияти ҳақида
тўхталсангиз.

— Халқ ижодиёти ва маданий-маъ-
рифий ишлар илмий-методик мар-
казининг асосий вазифаларидан бири
— республикаимиздаги маданий-маъ-
рифий муассасаларга илмий, амалий-
услубий ёрдам кўрсатиш ва бу



борадаги муаммоларни маҳаллий
ҳокимликлар ҳамкорлигида ҳал этиш-
дан иборат. Республикаимиз миқёси-
да фаолият кўрсатаётган 1777 мада-
ний муассасалари негизда замон та-
лабига тўлиқ жавоб берадиган 894 ма-
даният ва аҳоли дам олиш марказла-
ри барпо қилиниши керак.

Бу борада кенг қўламли рекон-
струкция ва капитал таъмирлаш иш-
лари олиб борилди. Уларнинг ҳар бири-
да турли тўғараклар, студиялар таш-
кил этилди, чекка ҳудудларда яшаёт-
ган ёшларнинг бўш вақтини мазмун-
ли ўтказишга имконият яратилгани-
дан ташқари, ҳар бир марказда ками-
да 20 дан зиёд янги иш ўринлари
очилди. Энди бу марказлар тўлиқ фа-
олият кўрсата бошласа, қанча иш ўри-
ни очилишини ўзингиз ҳисоблаб олаве-
ринг.

Ёшлар онгига қадриятларимизни
янада чуқурроқ синдириш мақсади-
да республикаимиздаги 211 «Баркамол
авлод» болалар марказида номоддий
маданий меросни тарғиб қилишга оид
тўғараклар ташкил этилган бўлиб,
уларга 26 минг нафардан зиёд ўқувчи
жалб этилди.

Бир қатор вазирликлар, Ўзбеки-
стон Ёзувчилар уюшмаси, Республика
Маънавият тарғиботи маркази, маҳал-
лий ҳокимликлар ҳамкорлигида ўт-
казилган Маънавият ҳафталиклариди-
да иштирок этиб, шунга амин бўлдики,
9698 умумтаълим мактабидида ташкил
этилган турли йўналишдаги тўғарак-
ларда қарийб 700 минг нафар ўқувчи
шуғулланмоқда.

Бу нима дегани? Бунда биринчи-
дан, ўқувчи бўш вақтини мароқли
ўтказди, иккинчидан хунар ўрган-
ди, ота-она, ўқитувчи назоратида
бўлади. Энг муҳими, бу машғулот-
лар унда бирор касбга ҳавас уй-
ғоти ва тўғри йўл танлашга ёрдам
беради.

— Халқимизнинг қадриятлари
ранг-баранг. Юртимизнинг энг
олис тумани, энг чекка қишлоғида
ҳам ўзига хос урф-одатларни
қўриш, қўллаб истеъдодларни уч-
ратиш мумкин...

— Марказ фаолияти ҳам ана шу
серкирра қадриятларимизни оммавий-
лаштиришга, уларни кенгроқ тарғиб
этишга қаратилган. Ана шу мақсадда
давлат ва нодавлат ташкilotларнинг
номоддий маданий мерос масалала-
ри бўйича фаолияти мувофиқлашти-
рилиб, нодавлат ташкilotлари ва му-
ассасалари уюшмасини ташкил этиш
ҳам қўриб чиқилмоқда.

Маданият ва спорт ишлари вази-
рлиги томонидан Ўзбекистон номоддий
маданий мерос объектиларни миллий
рўйхати янгиланиб, унга қўшимчалар
киритилди ва қайта тасдиқланди. Бун-
дан ташқари, Қорақалпоғистон Рес-
публикаси ва вилоятлар халқ ижодиё-
ти ва маданий-маърифий ишлар ил-
мий-методик марказларида ҳар бир
ҳудудга хос бўлган номоддий мада-
ний мерос рўйхатга олинмоқда.

Ўтган йили Сирдарё ва Тошкент
вилоятларида илмий экспедициялар
ушатирилиб, ўрганилган номоддий
маданий мерос намуналари рўйхати
шакллантирилди ва ҳали илмий ўрга-
нилиши лозим бўлган объектлар
аниқлаб олинди. Шунингдек, марказ
томонидан номоддий маданий мерос-
ни муҳофаза қилиш ва бу борадаги
ишларни янада такомиллаштириш
ҳамда ўзаро таърибга алмашишга ба-
ғишланган илмий-амалий анжуман-
лар, ўқув семинарлари ўтказиб ке-
линмоқда. Бу ишлар ҳар бир вилоят-
да давом эттирилади.

— Эл орасидан чиқаётган истеъ-
дод соҳибларини рағбатланти-
риш, уларни янги парвозларга ил-
ҳомлантириш борасида қандай
ишлар амалга оширилмоқда?

Нурulloҳ ДОСТОН
ёзиб олди.

ЭЪЛОН

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS
SAVDO» МЧЖ

2016 йил 7 июль кунини бошлангич нархи босқичма-
босқич ўсиб бориш

тартибидидаги аукцион савдоларини ўтказиш

Аукцион савдоларида Тош-
кент шаҳри, Яшнобод тумани,
Истикбол кўчаси, 1-уйда жой-
лашган, «Ўзбекистон» халқаро
тантаналар саройи биноси ва
атрофидаги ҳудудидан фойда-
ланиш бўйича ихтисослашти-
рилган дирекция балансидаги
2009 й. и/ч. д/р 01/237ЕЕА,
бошлангич нархи 20 000 000
сўм бўлган «Нексия СОНС» ру-
сумли автотранспорт воситаси
қўйлади.

Талабгорлардан буюртма-
номаларни қабул қилиш, рас-
мий иш кўндаларида мазкур
эълон чиққан кундан бошлана-
ди ва савдо кундан 2 (икки)
кун аввал соат 18:00да тўхта-
тилади.

Савдоларда қатнашиш учун
бошлангич нархнинг камида 20
фоизи миқдоридида закатал
пули «TOSHKENT UNIVERSAL
AUCTIONS SAVDO» МЧЖнинг
АТИБ «Ипотекабанк» Шайхон-
тоҳур филиалидаги ФА:00425,
СТІР:302071274, 2020 8000
7049 2931 8001 ҳисоб рақами-
га тўланади.


Савдо голибига савдо ку-
нидан бошлаб йигирма кун
муддат ичида олди-сотди
шартномасини имзолаш, тў-
ланган закатал пули миқдори
сотиб олиш тўлови миқдори-
нинг 15 фоизидан камини таш-
кил этган тақдирда, етишмаётган

Гувоҳнома № 005357

ЎЗГАРАЁТГАН
ДУНЁ

ЁЗ ФАСЛИДА
бўтин дунёда ҳаво
ҳарорати баланд
бўлиши кўтилоқда

Жаҳон об-ҳавони кузатиш
бошқармасининг берган ха-
барига кўра, 2016 йилнинг
ёзи жуда иссиқ келиши ба-
шорат қилинмоқда, деб ха-
бар бермоқда CNN. Апрель
ойининг бошидан Ер шарида
ҳаво ҳароратининг кўтарилиши
жараёни бошланган.



Бу иссиқлик сўнгги бир
неча юз йил мобайнида кўта-
рилган юқори кўрсаткичдир.
NASA берган маълумотларга
кўра, 1951 йилдан 1980 йил-
гача бўлган даврга солишти-
рилганда, жорий йилги май
ойидан Цельсий ўлчамида
ҳарорат кўрсаткичи 1,1 дара-
жага кўтарилган. Дунёдаги
кўпгина мамлакатларнинг
олимлари аҳолини «фавқулод-
да вазият иклими» ҳақида
огохлантирмоқда.

Чунки ҳаво ҳарорати бел-
гиланган меъёрдан 2 даража
юқорига кўтарилса, бу сайё-
рада кўплаб сув тошқинлари
рўй беришига ҳамда иқлим-
нинг кескин ўзгаришига олиб
келади.

ДУНЁНИНГ
ЭНГ УЗУН

туннели

2016 йил 1 июнда Швей-
царияда Готард темир йўл
туннели очилиши бўлиб ўтди.
Туннел Швейцария Альпиди-
ги Сен-Готард тоғ ҳудуди о-
стидан очилган. Бу туннелни
қуриш гоёси 1947 йилдаёқ
пайдо бўлган, лойиҳанинг би-
ринчи варианты эса 1962
йилда яратилган. Дастлаб
туннелнинг узунлиги 45 км ни
ташкил қилиши керак эди.



Туннелни қуриш учун 20 йил-
дан зиёд вақт кетди. Биринчи
бургулаш 1993 йилда, асосий
ишлар 2001 йилда, тупрокни
қазиб олиш 2003 йилда бош-
ланган. Туннелни қуриш учун 12
миллиард доллар сарфланди.

Готард туннели дунёдаги энг
узун туннел бўлади, унинг узун-
лиги 57 километри ташкил
қилади. Ҳозиргача Япониядаги
53,85 километрлик Сэйкан тун-
нели, Буюк Британия ва Фран-
цияни боғловчи 51 километрлик
Евротуннел иккинчи ўринда ту-
рарди, Норвегиядаги 287 метр-
лик Эйксун эса энг чуқур тун-
нел ҳисобланади.

ҚАДИМИЙ
ЯККАШОХ
ЧУМОЛИ

тури аниқланди

Мьянмадаги қахрабодан
99 миллион ёшли қадимий
чумоли тури топилди. Бу
ҳақда Current Biology журна-
лида хабар қилинди.

Унинг сал эгилган шохи йирт-
кичлигидан дарак беради. Лекин
ушбу шохи қандай вазифа ба-
жаргани ҳозирча номаълумли-
гича қолмоқда.



Тошкентда
Жаҳон тиллари
фестивали бўлиб
ўтди.



2 июнь кuni Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида Жаҳон тиллари фестивали ўтказилди. Бу ҳақда университетнинг интернет саҳифасида маълумот берилган.

Мазкур тадбирда Буюк Британия, АҚШ, Хитой, Жанубий Корея, Индонезия, Франция, Германия, Хиндистон, Эрон, Япония, Туркия, Италия, Уммон, БАА, Россия ҳамда Мисрнинг Ўзбекистондаги элчихоналари, дипломатик корпус вакиллари, университет тизимидаги ҳамкор ташкилотлар ходимлари, таълим муассасасида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштирок этди.

Фестиваль доирасида Европа ва Шарқ мамлакатларининг миллий кўргазмаси, талабалар томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш этилди. Ўзбек миллий хунармандчилик намуналари асосидаги маҳорат машғулоти, дунё халқлари миллий таомларининг кўриги ўтказилди.

«Сен ёлғиз
эмассан»
жамғармаси
«Туркистон»
саройида байрам
концерти ўтказди



«Туркистон» саройида «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси томонидан Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб ташкил этилган байрам gala-концерти бўлиб ўтди. Бу ҳақда жамғарманинг Facebook ижтимоий тармоғидаги саҳифасида маълум қилинган.

Концертта Меҳрибонлик уйлари, SOS болалар қишлоқлари тарбияланувчилари, имконияти чекланган болалар, жами 800 дан ортиқ кичкинтойлар жамланди.

Байрам дастури Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари иштирокида тайёрланди. Болалар ўз тенгдошлари учун байрам совғасини шу тарзда тақдим этдилар.

МУНОСАБАТ

ИНСОН УЧУН ЭНГ УЛУҒ НЕЪМАТ

тинчлик ва хотиржамликдир




Анвар қори ТУРСУНОВ,
Тошкент шаҳар бош
имом-хатиби:

— Мен аввало ватандошларимизни кириб келаётган муборак Рамазон ойи билан муборакбод этаман. Бу ой тинчлик, барака ва меҳр-оқибат ойи бўлишligини Аллоҳдан сўраймиз.

Бизнинг Ўзбекистонимизга Аллоҳнинг раҳмати, назари тушган. Юртимизда инсон учун энг катта неъмат ҳисобланиши тинчлик, хотиржамлик, аҳиллик ва миллатларaro тотувлик қарор топган. Мазкур неъматларнинг бардавомлиги йўлида ташаббус кўрсатаётган Юртбошимизга раҳмат айтмиш. У кишининг Рамазон ойини муносиб ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилгани жуда катта воқеадир. Биз дунё мамлакатлари ҳақидаги маълумотларни интернет орқали ўқидик. Дунёнинг бирор-бир мамлакатиди, ҳатто мусулмон давлатларида ҳам Президент Рамазон ойини муносиб ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилмас экан. Ўзбекистонимизда давлат раҳбарининг муқаддас динимизга, мусулмонларга шунчалик ҳурмат-иззат кўрсатаётгани катта неъмат. Буни нафақат уламо ва имом-хатибларимиз, балки халқимиз ҳам теран англапти.

Мухтарам Президентимизнинг қароридаги алоҳида бандларда Рамазон ойининг асл ғояси ўз аксини топган. Бу ойда бажарилиши керак бўлган ишлар белгилаб қўйилган. Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда «Пайғамбаримиз (с.а.в.) бу ойда кучли бўрондан ҳам саҳий бўлиб кетар эдилар» дейилган. Мазкур қарорда айнан шу ғоя мужассам бўлганки, бу юртимизда истиқомат



қилувчи барча мусулмонларни хурсанд қилди. Қарор натижасида мутасадди ташкилотлар бизга ғамхўрлик қилишмоқда. Муборак ойни тинч-хотиржам ўтишида барча ўз масъулиятини ҳис қилмоқда. Ўши улуг ота-хонларимизнинг соғлиғидан хабардор бўлиб туриш учун тиббиёт ходимлари ҳам жалб этилмоқда. Қани айтингчи, яна қаерда бундай шароитлар яратилган?

Ҳозир Рамазон арафасида турибмиз. Биз ҳар кунни халқимизнинг тўйларида, маъракаларида юрамиз. Бу қарордан ҳамма хурсанд эканини кўриб, билиб турибмиз. Айниқса, нуруний отахон ва онахонларимиз шукрона айтишмоқда, дуо қилишмоқда.

Мустабид тузум даврида биз Рамазон сўзини айтишга ҳам қўқардик. Қаранг, биз бир ой давомида телевидение орқали Рамазон ойининг фазилатлари ҳақида халқимизга маълумот бериш имконига эга бўляпмиз. Бундан ҳаммамиз, айниқса, халқимиз жуда хурсанд.

Мен яқинда деҳқонлар билан суҳбатлашдим. Улар бу йилги ҳосил ўтган йилгидан юз баробар кўп эканини айтишди. Бу Аллоҳнинг бизга берган неъматиди. Иншооллох, бир ой давомида мана шу мавзуларда халқимиз билан суҳбат қураимиз.

■ Биз ислом динининг тинчлик, аҳиллик ва меҳр-оқибат дини эканлигини англаб етаверсак баракотлар бундан ҳам зиёда бўлаверади.

ШОҲМОТ



Осиё чемпионати

Пойтахтимизда эркаклар ва аёллар ўртасида давом этаётган мусобақалар ҳал қилувчи паллага кирди.

Швейцарча тизимда ўтказилаётган мусобақанинг саккизинчи турида пешқадамлар муваффақиятли юришини давом эттиришди. Эркаклар ўртасида вьетнамлик Ле Куанг Лиен, хитойлик Вей Ю ўз рақибларини энгиб, 6,5 тадан очкога эга бўлишди.

Саккизинчи турдан сўнг, гроссмейстерларимиз Рустам Қосимжонов ҳамда Жаҳонгир Воҳидовлар ҳисобида 5 тадан очко мавжуд. Охириги турда Қосимжонов ҳиндистонлик Мурали Картикхен, Воҳидов эса хитойлик Вей Юга қарши дона сурди.

Аёллар ўртасидаги мусобақада ҳамон ҳиндистонлик Кулкарни Бҳакти (6,5 очко) яқка пешқадам бўлиб турибди. Мамлакатимизнинг иқтидорли шоҳмотчиларидан бири Гулрухбегим Тоҳиржонова эса саккиз имкониятдан 5 очко жамгарган.

Сўнгги турда Тоҳиржонова мўғлистонлик Мунгултуул Батхиага қарши оқ донларда ўйнайди. Мазкур учрашув олтидан ҳақиқийнинг рақиб ҳисобида ҳам беш очко бор.

Самандар БОБОРАЖАБОВ

СПОРТ

ОЛИМПИА КУНИГА БАҒИШЛАНГАН БАЙРАМ

Кеча пойтахтимизда Олимпия кунига бағишланган аънавий республика югуриш мусобақалари бўлиб ўтди.

Халқаро Олимпия қўмитаси ташаббуси билан ҳар йили дунёнинг икки юз олти мамлакатидида ташкил этиладиган бундай мусобақа сиҳат-саломатлик ва спорт байрами — замонавий Олимпия ҳаракатига асос солинган кунга бағишлаб ўтказиб келинади. Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Республика енгил атлетика федерацияси ҳамкорлигида уюштирилган мазкур спорт байрамидан кўзланган мақсад аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида Олимпия тамойиллари ва соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, уларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этишдан иборат.

Бу йил йигирма бешинчи мартаба ташкил этилган мусобақалар дастлаб туман (шаҳар) ва вилоятлар миқёсида ўтказилди. Аънавий югуриш мусобақалари финал босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги саралаш баҳсларидан муваффақиятли ўтган турли ёшдаги минг нафардан зиёд спортчи ва хаваскорлар қатнашди.

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳудудида ўтказилган баҳсларда турли ёш гуруҳларида ғолиб ва совриндорлар аниқланди. Шунингдек, Олимпия кунини муносабати билан байрам иштирокчилари бокс, таэквондо (WTF), дзюдо, велоспорт,



Санжар ШОТЎЛҒАНОВ олган сурат.

стол тенниси, камондан ўқ отиш сингари спорт турлари бўйича моҳир спортчиларнинг чиқишларини кузатиш имкониятига ҳам эга бўлдилар.

— Ёшим олтимиз бирда, — дейди байрам иштирокчиси Саломат Раҳимова. — Юнусобод туманидаги «Ахилбод» маҳалласида яшайман. Олти йилдирки, Олимпия кунини муносабати билан ўтадиган югуриш мусобақаларида қатнашиб келаман. Бу йилги байрам ҳар доимгидан-да чиройли ва фаязли ўтмоқда. Югуриш мусобақаларида ғолиб чиқиш эмас, балки қатнашишнинг ўзи мен учун катта ютуқ. Мусобақа баҳонасида анчадан бери кўришмаган

дугона ва дўстларим билан учрашдик. Ташкилотчиларнинг махсус совғалари билан тақдирландим, кўнглим тоғдек кўтарилди.

Бу йил илк мартаба таъбиот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида ҳам югуриш мусобақалари уюштирилди. Унда эллик нафардан зиёд ҳамкасбимиз қатнашди.

— Югуриш мусобақалари аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда катта аҳамиятга эга, — дейди «Ассалом, Ўзбекистон!» теледастури муҳаррири Фахриддин Самадов. — Унда биринчи марта ўз омадими синая кўрдим. 500 метрга югуриш баҳсларида марра

чизигини бешинчи бўлиб кесиб ўтдим. Ғолиблар сафидан жой олмаган бўлсам-да, ўзимни чемпионлардек ҳис этилман. Аввало бу мусобақадаги иштирокимдан кайфиятим жуда кўтарилди. Агар ишдан бўш вақтларимда енгил атлетика билан шуғуллансам, келгуси мусобақаларда бемалол биринчи ўринни эгаллашим мумкинлигини ҳис этдим. Ташкилотчиларга катта раҳмат! Спорт байрами сўнггида мусобақа ғолиб ва совриндорларига махсус совғалар ҳамда сертификатлар топширилди.

Эркин ХОЛБОБОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Ўзбекистон миллий университети ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамкорлигида «ОАВни малакали кадрлар билан таъминлаш масалалари» мавзусида матбуот анжумани ўтказди. Унда ҳар икки билим даргоҳи профессор-ўқитувчилари, журналистика факультетлари талабалари ҳамда ОАВ вакиллари ўзаро мулоқотда бўлдилар.

Малакали кадрлар тайёрлаш давр талаби

Дунё ахборот майдонининг глобаллашуви кучайган ҳозирги шароитда содир бўлаётган воқеаларга тез ва ҳолис муносабат билдира олишга қодир бўлган юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўта муҳим аҳамиятга эга.

Журналистлар ижодий уюшмаси раиси вазифасини бажарувчи, «Хуррият» газетаси бош муҳаррири Уктам Мирзаёров, ЎЗМУ проректори Файзулла Аъзамов ва бошқалар маълумотида бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталмишди.

— Менинг ихтисослашувим интернет журналистикаси бўлгани учун ҳозир алоҳида сайт очганман, — дейди ЎЗМУ журналистика факультети 3-босқич талабаси Мирзаёр Эркинов. — Деярли ҳар кун сайтни энг сўнгги янгиликлар,

тахлилий мақолалар, муносабатлар билан тўлдириб бораман. Бунинг яхши томони — ҳар бир материалга ўқувчи шу вақтнинг ўзидида муносабат билдириши, баҳсга киришиши мумкин. Шу нуқтаи назардан интернет журналистикасининг имкониятлари тезкор ва беқийс.

— Мен Тошкент ахборот технологиялари университетини битириб, Республика Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ахборот марказида ишлаяпман, — дейди Йўлчи Рўзиев. — Шу билан бирга, соҳага ихтисослашши мақсадида ЎЗМУ журналистика факультети магистратурасида ўз билимимни мустаҳкамлаяпман.

Тадбир якунида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
GA'AZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV	Saidkamol XODJAYEV	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	Muslihidin MUHIDDINOV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV		Tat'yana KISTANOVA
		(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonada nashr etilgan. Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 659
14219
nuxsada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 20:25
Topshirilgan vaqti — 00:30

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Alisher RO'ZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 6